

ДАВЛАТ ФИСКАЛ ВА МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ўқитувчиси Худайбергенова Нигора Тургунбоевна*

Анотация. Мақолада давлатнинг фискал ва монетар сиёсатининг зарурлиги ҳамда фискал ва монетар сиёсатнинг келиб чиқиш аҳолияти ёритилган.

Калит сўзлар. фискал сиёсат, монетар сиёсат, иқтисодий аҳолият, инфляция, макроиқтисодий кўрсаткичлар, талаб.

**Создание государственной фискальной и денежно-кредитной политики
Ташкентский государственный экономический университет
Преподаватель Худайбергенова Нигора Тургунбоевна.**

Аннотация В статье раскрыты необходимость фискальной и монетарной политики государства и происхождение фискальной и монетарной политики.

Ключевые слова. фискальная политика, монетарная политика, экономическое значение, инфляция, макроэкономические показатели, спрос.

**Creation of government fiscal and monetary policy
Tashkent State Economic of University
Teacher Khudaibergenova Nigora Turgunboevna.**

Annotation. The article reveals the need for fiscal and monetary policy of the state and the origin of fiscal and monetary policy.

Key words. fiscal policy, monetary policy, economic significance, inflation, macroeconomic indicators, demand.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 2023-2025 йиллар учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш, иқтисодий ўсиш даражасининг ўртача 6,5 фоиздан юқори бўлишини, инфляциянинг 2024 йилдан 5 фоиз таргет кўрсаткичи даражасида ушлаб туриш; пул-кредит, бюджет-солиқ сиёсатлари ва таркибий ислохотларни ўзаро мувофиқлаштириш¹ вазифаси кўйилган. Бу ўз навбатида замонавий халқаро амалий тажрибада қўлланиладиган дастаклардан фойдаланган ҳолда монетар сиёсатни такомиллаштириш орқали макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгиланган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Иқтисодий фаолликни таъминлашга қаратилган ва давлат томонидан тартибга солувчи

¹ <https://lex.uz/docs/5841063> 2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoni..

макроиктисодий сиёсат таркибий қисми сифатида давлат фискал ва монетар сиёсатларининг назарий методологик масалалари бир қатор хорижлик таниқли иқтисодчи олимлар, жумладан, Ж.Кейнс, М.Фридмен, Л.Красавина, С.Моисеевларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Д.Кейнс Давлат аралашуви вазифасини мустақил ўзгарувчан омиларга, улар воситасида эса банлик ва миллий даромадга таъсир кўрсатишдан иборат, деб билган. Бунда ҳал қилувчи шарт сифатида фискал ва пул кредит сиёсати воситасида инвестицияларни рағбатлантиришда намоён бўлади деган бўлса, Макконелл Б., Стенли Брю С.Л. “Фискал сиёсатнинг асосий мақсади: давлат харажатларининг кўпайиши ёки солиқларнинг пасайиши, ёхуд ва ни бирга кўшиб олиб бориш. Ва аксинча, агар иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли пайдо бўлган инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳукумат харажатларининг камайиши ёки солиқларнинг кўпайиши. Фискал сиёсат башарти иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш муаммоси турадиган бўлса, ҳукумат бюджетининг ижобий қолдиғига таяниши лозим” деган фикрни бериб ўтган.

Юқорида кўрсатилган хориж ва мамлакатимиз адабиётларида давлат фискал ва монетар сиёсатларининг иқтисодий фаолликни таъминлашда молиявий салоҳиятнинг айрим қирралари, аҳамияти, хусусиятлари, турлари ва бошқа жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган


Таҳлил ва натижалар

Фискал сиёсатнинг иқтисодий мазмунига доир турли хил қарашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий-ижтимоий тизимлар шароитидаги ва амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастакларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини аниқ иқтисодий тамойилларини белгилаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан фискал сиёсат жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг зарурий таркибий қисмларидан ва жамият ривожланиши объектив равишда тақозо қиладиган талабларидан бири бўлиб келган. Давлат тузилиши шакллари ва жамиятнинг шу жумладан молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб тўхтовсиз такомиллашиб борган. Инглизча вариантдаги сўз орқали кириб келган «фискал сиёсат» тушунчаси мамлакатимиз ва хориж иқтисодий адабиётларида турлича талқин қилинади, кўп ҳолларда «бюджет - солиқ», «молия - солиқ» ва «молиявий сиёсат» деб юритилади¹.

Иқтисодий адабиётларда “монетар сиёсат”, “монетар сиёсат инструментлари” ҳамда “пул-кредит сиёсати концепсиялар”и хусусида кўпчилик олимлар томонидан фикрлар билдирилган, жиддий тарзда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда хулосалар шакллантирилган. “Иқтисодий адабиётда ва халқаро банк амалиётида “пул-кредит сиёсати” ва “монетар сиёсат” тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида талқин қилиш кенг тарқалган. Масалан, таниқли иқтисодчи олим, АҚШ Президенти Б.Бернанке ўзининг илмий-тадқиқот ишларида ва илмий мақолаларида фақат “монетар

¹ Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа тортиш. Таҳрир кенгаши Беганов В. ва бошқ. Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998; Шодмонов ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т. ДИТАФ 2001; Носова С.С. Экономическая теория: краткий курс. Учеб. пособия.-М.: Гуманит. Изд. Центр Владос, 2001.

сиёсат” тушунчасидан фойдаланган. “М.Малкина пул-кредит сиёсатига қуйидагича таъриф беради: “Пул-кредит сиёсати – Марказий банк томонидан пул массаси ва пуллар қийматини бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўлиб, мамлакатда баҳолар, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади”.



1-

расм. Монетар сиёсат концепциясининг якуний ва оралик мақсад ҳамда вазифалари²

Рестрикцион монетар сиёсат деганда, одатда, муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатларини жиловлашга қаратилган монетар сиёсат тушунилади. Экспансионистик монетар сиёсат деганда муомаладаги пул массасининг мултипликатив кенгайишини таъминлаш асосида тўловга қобил талабни рағбатлантиришга қаратилган монетар сиёсат тушунилади.

Иқтисодий кризислар эса турли мамлакатларда ўзининг кўлами турлича бўлиши билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур тасир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим бўғини бўлиб қолади³. “Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади⁴”.

Шундай қилиб, “Иқтисодий адабиётларда ва халқаро банк амалиётида Марказий банкларнинг пул – кредит сиёсати монетар сиёсат, монетар инструментлар тарзида ҳам юритилади. Бирок, Марказий банкнинг пул – кредити сиёсати қандай тарзда

² Муаллиф томонидан ўрганилган манбалар асосида шакллантирилган.

³ Омонов А.А., Қоралиев Т.М “Пул-кредит ва банклар” дарслик Тошкент: Ўзбекистон, 2012

⁴ Омонов А.А., Қоралиев Т.М “Пул-кредит ва банклар” дарслик Тошкент: Ўзбекистон, 2012

юритилишига қарамасдан, уларнинг мақсади битта масалага, яъни мамлакат миллий валютасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади”⁵.

Хулоса ва таклифлар

Фискал сиёсат неолиберализм ва бозор фундаментализми тамойилларининг ҳукмронлигидан халос қилувчи аниқ ижтимоий йўналтирилган йўналишга эга бўлиши керак. Айниқса, бунда тиббиётни ривожлантириш, уни мажбурий ва ихтиёрий молиялаштиришнинг суғурта модели самарадорлиги кўрсаткичларининг катта таъсирдан халос қилиш зарур. Масалан, Германияда коронавирус пандемиясида касалхона ётоқларининг етарли эмаслиги, Италия ва Бельгияда тиббий суғуртанинг ривожланмаганлиги, етарли касалхона ётоқлари ва шифокорлар билан таъминланганлик кўзга кўриниб қолди ҳамда бу мамлакатларда соғлиқни сақлашни оптималлашмаганлиги СОВИД-19 билан касалланган беморлар учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Германияга даволаниш учун поезд ва самолётларда эвакуация қилинганлар ҳам кузатилган. 2020 йилда 140 йил олдин касаллик даврида ишчиларни Бисмарк ёндашувига кўра ижтимоий суғурталашнинг қўлланилиши ижобий натижаларни берди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги инқирозли жараённи юмшатиш мақсадида давлат ва хусусий бизнес вакилларига бир турдаги квази-солиқ тарзидаги ижтимоий мажбуриятларни юклаш билан молиялаштирилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сунатуллаева Ш.Х. Provided financial recovery and increased attractiveness of territorial investment. *Journal of Management Value and Ethics*, March, 2024. (08.00.00).
2. Сунатуллаева Ш.Х. Ўзбекистонда ҳудудлар инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари. *О`zbekiston Milliy axborot agentligi O`zA Ilm-fan bo`limi Elektron jurnal 2024-yil fevral soni N2 (52) 58-63 бет.* (08.00.00).
3. Сунатуллаева Ш.Х. Худудлар молиявий барқарорлигини таъминлашда инвестиция жозибadorлигини оширишнинг назарий жихатлари. *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot jurnali 2023-yil 10-son 1135-1140 бет.* (08.00.00).
4. <https://lex.uz/docs/5841063> 2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoni..
5. Омонов А.А., Қоралиев Т.М “Пул-кредит ва банклар” дарслик Тошкент: Ўзбекистон, 2012

⁵ Мамаюнус Каршибаевич Пардаев Professor of Samarkand institute of yeconomics and service (SIES), Doctor of Yeconomics Special Issue on "Innovative yeconomy: challenges, analysis and prospecs for development